

# Фазилатли айёмлар ва қурбонлик

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*Шайх Сулаймон ибн Ҳамад Авда*

**Таржимон:** *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

**Нашрга тайёрловчи:** *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1434

IslamHouse.com

# ﴿ الأيام الفاضلة والأضاحي ﴾

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ سليمان بن حمد العودة

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشراشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

## **Биринчи хутба**

Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман. Оллоҳ Унга ва бошқа барча анбиёю расулларга салавоту саломлар йўлласин.

Оллоҳнинг бандалари, Оллоҳдан тақво қилингиз ва Оллоҳнинг маросимларини улуғлангиз! Чунки Оллоҳнинг маросимларини улуғлаш, қалбларнинг тақвосидан даракдир. Ҳой мусулмон, дунёнинг учун шу дунёда қоладиган даражада, охират учун ҳам охиратда қоладиган даражада амал қилингиз! Бўшашманг, чунки олдингиздан ўлим яқинлашмоқда, касалликлар дарвоза қоқмоқда, ишларингиз вақтингизни олмоқда, замоннинг мусибатлари кутмаган чоғингизда келмоқда! Буларнинг барчасидан Оллоҳдан мадад сўраб,

солиҳ амалларни қилишга ошиқиб, фазилатли айёмларни ғанимат бўлишини тилабгина қутилишингиз мумкин. Сиз зулҳижжа ойининг ярми тугаб, қолган ярми ҳам тезлик билан ўтиб бораётган биринчи даҳасининг фазилатларини жуда яхши биласиз. Бу кунлар ғофилларнинг эслашини, мудроқ уйқу асирларининг уйғонишларини кутиб турмайди!

Ҳой тани-жони соғ ва боён ҳаёт кечирсада ҳажга боришга иккиланиб турган одам, Оллоҳга суянинг ва жиддий ҳаракат қилинг! Ҳануз фурсатлар қўлдан кетмади. Тўқис қилинган ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқ. Ҳой бу фазилатли кунларда хайру ҳасанот қилишга дангасалик қилаётган одам, бой берилган савобларни қўлга киритинг! Ўзингиз учун солиҳ амаллар қилинг! Жаннат сари ҳиммат жўшар экан, ғайратли одамлар учун ҳали имконият фурсати кўп!

Ҳой қурбонлик қилмоқчи бўлган банда, сиз қурбонлик учун олдиндан ният қилишингиз ва ҳиммат камарини боғлашингиз керак. Агар қурбонлик қилишга ният қилган бўлсангиз

сочларингиз ва тирноқларингизни олманг! Ният қилишдан илгари олинган бўлса, зарари йўқ. Чунки қурбонлик сўйишга ният қилинган бўлса, зулҳижжа ойи кириши биланоқ сочлар ва бадандан бирон нарсани олмаслик керак.

Ҳой мусулмон, бу даҳада ёки унинг баъзи кунларида рўза тутишга муваффақ бўлмаган бўлсангиз, Арафа куни рўза тутишни унутманг! Чунки у рўзанинг «олдинги ва кейинги» икки йилнинг гуноҳларига каффорот бўлиш фазилати бор. Буни саҳиҳ ҳадисларида айтилган.

Бу кунда Оллоҳнинг неъматларига эришилади ва Оллоҳ кўплаб бандаларини жаҳаннамдан озод этади. Имом Муслим «Саҳиҳ» ҳадислар девонида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Оллоҳ таолонинг бандаларини Арафа кунинда жаҳаннамдан кўп озод қилганича бошқа кун йўқдир»*, деганлари нақл қилинган. (Имом Муслим, 3354).

Арафа куни рўза тутишга, дуо, зикр ва Қуръон тиловати билан Оллоҳга илтижо қилишга ҳарис

бўлинг. Чунки, у кун бир йилда бир мартагина келади!

Ҳой мусулмон, Қурбон ҳайити айёми Оллоҳ кунларининг энг улуғидир. Бугунги кунда унинг улуғлигини одамларнинг кўплари билмаяптилар. Ҳолбуки, айрим уламолар Арафа кунини йилнинг энг фазилатли айёми эканини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: *«Оллоҳнинг даргоҳидаги энг улуғ айём Қурбон ҳайити ва ундан кейингиси эса Қурбон ҳайитининг иккинчи кунидир»*, ҳадисига таяниб айтмоқдалар. (Абу Довуд (1767); Ҳоким «Мустадрак» (7522)).

Қурбон ҳайитининг иккинчи куни зулҳижжа ойининг ўн биринчи куни бўлиб, ҳожилар у куни Минога жойлашадилар. Мусулмон ҳожи бўлсин ёки бўлмасин, у куннинг фазилатидан баҳраманд бўлсин.

Қурбон ҳайити куни ҳожи бўлмаган мусулмон ғул қилсин, хушбўйлансин ва ҳайит намозини ўқишга борсин. Уни ўқишда лоқайдлик қилмасин. Ҳайит намози Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қолган суннати муаккададир.

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ каби айрим уламолар уни вожиб ҳам деганлар ва бунга Оллоҳ таолонинг:

**«Роббинг учун намоз ўқи ва қурбонлик қил!»** (Кавсар: 2) оятини ҳужжат қилганлар.

Ҳайит намозига барча хотин-қизлар, ҳатто ҳоизалар ҳам чиқадиладар ва ҳоизалар намозгоҳдан четда турадиладар.

Намозгоҳга чиқиб то қайтмагунча ва ўз қурбонлигининг гўшtidан емагунича бирон луқмани оғизга олмаслик ҳам, суннатдир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозгоҳдан қайтиб, сўйган қурбонлигининг гўшtidан емагунларича оғизларига бирон луқмани олмас эдилар. Сиз ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрнак олинг! Бу кунларда Ташриқ кунларининг охиригача такбир айтишга ҳарис бўлинг! Чунки Оллоҳ таоло: **«Оллоҳни саноқли кунларда зикр қилинглар!»** – деган (Бақара: 203).

Ҳайит кунлари қариндошларингиз, қўшниларингиз ва дўстларингиз ҳолидан хабар олинг. У ҳам солиҳ амаллардан бири бўлиб, дўстлик, бирлик ва муҳаббат омилидир. Мискинларга шафқатли бўлиб, муҳтожларга садақалар беринг.

Ҳой мусулмонлар, қурбонликнинг ҳам катта савоблари бор. У бобокалонимиз Иброҳим, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳима ва салламларнинг суннати бўлиб, Оллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида машруълиги баён қилинган:

**«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), албатта Биз сизга Кавсарни ато этдик. Бас, сиз Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва (жонлик) сўйиб-қурбонлиқ қилинг! Албатта сизни ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилгандир (яъни беному нишон йўқ бўлиб кетгувчидир)!»** (Кавсар: 1-3).

**«(Байтуллоҳда қурбон қилинадиган) туя-молларни Биз сизлар учун Оллоҳ қонунларидан**

**қилдик. Сизлар учун уларни (қурбон қилишда) яхшилик бордир».** (Ҳаж: 36).

Имом Бухорий ва Имом Муслим раҳимаҳумаллоҳлар «Саҳиҳ» ҳадислар девонида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг иккита шохдор ола қўчқорни ўз қўллари билан Оллоҳнинг исмини айтиб сўйганлари ва такбир айтганларини ривоят қилдилар.

Қурбонлик ҳақида, гарчи айрим илм аҳллари заиф деган бўлсаларда, ушбу ҳадис ворид бўлган: *«Одамзотнинг Қурбон ҳайити кунини қон оқизишидан кўра Оллоҳ таолога суюклироқ бўлган бошқа бирон амал қилмайди. У қурбонлиги Қиёмат кунинида шохлари, юнглари ва туёқлари билан келади. Қон эса ерга тўкилишдан илгари Оллоҳнинг ҳузуринида мақомга тушади. Бас, ниятингизни чиройли қилингиз!»* (Термизий, 1493).

Ҳой қурбонлик сўяётган одам, жонлиқни бўғизлар экан ниятингизни тузатинг! Агар кучингиз етса энг яхши ҳайвонни қурбонлик қилинг! Оллоҳ учун ўзингиз учун жўмардлик қиладиган нарсаларни танланг! Сиз, Урва ибн

Зубайр раҳимахуллоҳнинг фарзандларига қилган васиятини унутманг! Имом Молик раҳимахуллоҳ «Мувааттоъ»да саҳиҳ санад билан Урва раҳимахуллоҳнинг ўз фарзандларига шундай деганини ривоят қилади: *«Ўғилларим! Бировингиз ҳурматли одам учун совға қилишни хоҳламаган нарсани қурбонлик қилмасин! Чунки Оллоҳ таоло ҳурматлиларнинг энг ҳурматлисидир ва ўзи учун танланишга лойиқ бўлган Зотдир!»* (Имом Молик 850, 1412).

Халқ ичидаги ҳурматли одамларга эҳтиром кўрсатиб, улуғланади. (Оллоҳни нега улуғламайлик!).

Мусулмон биродарлар, битта қурбонликнинг хонадон бошлиғи ва оила аъзоларининг барчаси номидан жоизлиги ва унинг савоби ният қилинган бўлса ўликлару тирикларга етиб бориши Оллоҳ таолонинг фазли, раҳмати ва Ислом динининг қулайликларидандир. Сизлар қурбонлик қилар экан мақтанманглар! Имом Молик ва Термизий раҳимахумаллоҳлар Абу Айюб Ансорий разияллоҳу анхунинг шундай деганини ривоят қилдилар: *«Биз Мадинада битта қўйни қурбонлик*

қилар эдик. Уни хонадон бошлиғи ўзи ва оиласи номидан бўғизлар эди. Кейин эса одамлар қурбонликлари билан мақтана бошладилар ва қурбонлик мақтанчоқликка айланди». (Имом Молик, 1770). Термизий мазкур ҳадисни «ҳасан саҳиҳ» деди. Уламолар наздида шунга амал қилинади. Бу Имом Аҳмад ва Исҳоқ раҳимаҳумОллоҳларнинг қавлидир. Баъзилар бу Имом Молик, Лайс, Авзоъий ва бошқалар (раҳимаҳумуллоҳ)нинг қавли эканини айтганлар. Яъни, битта қўйнинг савоби бир кишидан кўра кўпроқ одамга етиб бориши мумкин.

Ҳатто Ислом динининг қулайликларидан яна бири шуки, қилишга рағбати бўла туриб қурбонлик топа олмаган одамнинг савоби Оллоҳга ҳаволадир. Сизлар Абу Довуд ва Насоий раҳимаҳумОллоҳлар саҳиҳ санад билан Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анҳумодан нақл қилган ушбу ҳадис ҳақида тафаккур қилинглари: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Мен Қурбон ҳайитини Оллоҳ таоло шу уммат учун берган байрам қилишга буюрилдим», – дедилар. Биров: Ё Расулulloҳ, ўзимга бировдан сүтидан муваққат фойдаланиш учун олган урғочи туя ва совлиқ қўйдан

*бошқа бирон ҳайвонни топа олмасам, уни қурбонлик қилсам бўлаверадими?, – деб савол берди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ. Лекин сочинг, тирноғинг, мўйлабинг ва аврат тукларингни олсанг, ўша Оллоҳнинг даргоҳида қурбонлигининг тўқислиги бўлади», – дедилар». (Насой, 4365).*

Оллоҳнинг бандалари, қурбонликни сўйиш вақтига эҳтиёт бўлинглар! Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига амал қилиб, аввал Ҳайит намозини ўқинглар, сўнграгина қурбонликларингни бўғизланглар. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу кунимизда илк ўлароқ намоз ўқиймиз ва намоздан қайтиб (қурбонлигимизни) сўямиз. Ким шундай қилса суннатга мувофиқ қилибди. Ким (намоздан) илгари қурбонлик қилган бўлса, у сўйган ҳайвони қурбонлик эмас, фақатгина оиласи учун сўйган гўштдир», – деганлар. (Имом Аҳмад 18504, 18715).

Айрим уламолар: «Қурбонликни Ҳайит кунини Қуёш чиқиб, Ҳайит намози ўқилгудек замон ўтгач уч кун давомида, Ташриқ кунлари тугагунича,

кеча ва кундузнинг хоҳлаган пайтида қилиниши мумкин», – дедилар.

**«(Байтуллоҳда қурбон қилинадиган) туя-молларни Биз сизлар учун Оллоҳ қонунларидан қилдик. Сизлар учун уларни (қурбон қилишда) яхшилик бордир. Бас улар (сўйиш учун) тизиб қўйилган ҳолларида Оллоҳ номини зикр қилингиз. Энди қачон ёнбошлари билан тушганларида (яъни жон таслим қилганларида), улардан (ўзларингиз ҳам) еяверинглар, (бировдан бир нарса сўрамайдиган) қаноатли кишига ва (муҳтож) тиланчига ҳам едиринглар. Шукр қилишларингиз учун Биз уларни (яъни туя-молларни) сизларга бўйсундирдик. Оллоҳга (қилган қурбонликларингизнинг) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин у зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар. Оллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли У зотни улуғлашларингиз учун (яъни қурбонликларингизни сўяётган пайтингизда Оллоҳнинг исмини зикр қилишингиз учун) уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Яхшилик қилгувчиларга хушхабар беринг». (Ҳаж: 36, 37).**

## Иккинчи хутба

Барча оламлар Робби бўлган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Мен: «Солиҳларнинг дўсти бўлган Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Оллоҳнинг бандаси ва элчиси ҳамда тақволилар имоми ва одамзотнинг саййиди» эканига гувоҳлик бераман. Оллоҳим, Пайғамбаримиз ва бошқа барча пайғамбарларга салавоту саломлар йўлла.

Мусулмонлар жамоати, одамнинг эркак ёки хотин киши бўлишидан қатъий назар, қурбонлигини ўз қўллари билан бўғизлаши суннатдир. Сўяр экан: Бисмиллаҳ! Оллоҳу акбар! Оллоҳим, бу фалончи номидан, – дейди ва ўзининг ёки қурбонликка шерик бўлган одамнинг номини тилга олади. Бу – ҳидоят Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган ишдир.

Агар ўзи яхши сўя олмаса сўяётган қассоб олдида туради. Агар ўзи сафарда бўлса, бирон кишини сўйиш учун ўзидан вакил қилади.

Пичоқни қайраб ўткирлаш, жонлиқни чап томони билан қиблага қаратиб ётқизиш, сўяётган

одамнинг ҳайвоннинг бўйнини ўнг оёғи билан босиб: *«Бисмиллаҳ! Оллоҳу акбар!»* дегач: *«Оллоҳим, бу Сендан келди ва Сенга қайтади! Оллоҳим, буни мендан худди халилинг Иброҳимдан қабул қилганингдек қабул қил!»* – дейди. Шайхулислам Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ: *«Қурбонликни ўнг томони билан ётқизган ва чап оёғини унинг бўйнига қўйган одам, суннатни билмаган ҳамда ўзи ва ҳайвонни қийнаган одамдир!»* – деган (*«Мажмуъу фатаваа Ибн Таймийя»* 26/310).

Туяни эса чап оёғини тушовлаб, қолган учта оёғи устида тик турган пайтида сўйилади. Уни ётқизиб сўйган одам ҳам суннатга хилоф иш қилган бўлади. Имом Бухорий, Имом Муслим ва Абу Довуд раҳимаҳумуллоҳлар Зиёд ибн Жубайр раҳимаҳуллоҳнинг ушбу осорини ривоят қилишди: *«Мен Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумонинг сўйиш учун туясини чўктирган одам олдига бориб: Уни тургизиб тушовла(б сўй). Шундай қилиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатидир»* деганини кўрганман». (Имом Бухорий (1713); Имом Муслим (3255); Абу Довуд (1770)).

Қурбонликдан ейиш, инъом ва садақа қилиш ҳам, суннатдир. Уламолар: Қурбонлик гўшти ва терисини сотиш жоиз эмас. Унинг гўшtidан қассобга хизмат ҳақи ўлароқ берилмайди. Қассобга хизмат ҳаққини бошқа нарсадан берилади, – деганлар.

Оллоҳнинг бандалари, оддий ва ҳаж қурбонликларингизнинг ёшларига катта эътибор берингиз. Чунки, қурбонлик учун (энг кичиги) беш ёшлик туя, икки ёшлик қорамол, бир ёшлик қўй ва эчки яроқлидир. Айрим уламолар олти ойлик қўйларни ҳам раво кўрганлар.

Қурбонликка яроқсиз қиладиган айблардан сақланингиз! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Тўртта (ҳайвон) қурбонликка яроқсиздир: кўрлиги билиниб турган, касаллиги аниқ, чўлоқлиги кўриниб турган ва ўта озғин ҳайвон»*. (Насоий (4369); Ибн Можа (3144)).

Бошқа бир ривоятда: *«Ўта ориқ»* дейилган (Имом Молик «Муваттоъ» 633; Байҳақий «Сунан» 18879). Ҳадиснинг ровийси Бароъ разияллоҳу анху: *Ёши кичик бўлган ҳайвонни қурбонлик қилишни*

*ёқтирмайман*, деганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ёқтирмаган нарсангни қўй ва уни одамларга ҳаром қилма!*» – дедилар. (Абу Довуд 2804).

Илм аҳллари бунга қулоқ ва шоҳларининг кўп қисми ёки уст (пардасимон) қисми бўлмаган, олд тишлари (умуман) йўқ, кўр, ўтлоқда юрсада ўт емаган ва баданининг кўп жойи қўтир бўлган ҳайвонларни ҳам киритдилар.

Оллоҳнинг бандалари, энглар ва сизларни боён қилган, сизларга сўядиган, ейдиган ҳайвонларни тайёрлаб, бўйинсундириб берган Оллоҳга шукр қилинглари! Қурбонликни сўяр экан қалбингизга Оллоҳнинг тақвосини жо қилингларики, Оллоҳга қурбонликларингизнинг гўшту қонлари эмас, сизлардаги тақво етиб боради... Ибодатлар фикҳини ўрганиш масъулият бўлсада, буни кўплаб одамлар билмайдилар. Боз устига Оллоҳ бандаларининг озгинасигина шукроналар келтиради.

Ушбу фазилатли айёмларда Оллоҳ таолони зикр қилиш, Оллоҳ чизган чизиқлардан

чиқмаслик ҳам Оллоҳга шукр қилиш, демакдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ташриқ кунлари ҳақида: «(Улар) ейиш, ичиш ва Оллоҳни зикр қилиш кунларидир», деганлар. (Имом Аҳмад, 20748).

Бунинг иккита фойдаси бор: Биринчиси: Ибн Ражаб раҳимаҳуллоҳ айтганидек, ушбу ҳадисда Ҳайит кунлари ейиш ва ичиш Оллоҳни зикр қилиш ва Унга ибодат қилишга ёрдамчидир. Бу ҳам, неъматларга шукр қилиш тамомидандир ... Оллоҳнинг неъматларидан Оллоҳга осий бўлиш учун фойдаланган одам, Оллоҳнинг неъматларига онкўрлик қилибди ва уни онкўрликка айлантирибди. Қуйидаги байтларда ифодалангани каби у неъматни, ундан тортиб олинса бўлаверади:

Неъмат ичра бўлсанг ҳаққини бил.  
Зеро гуноҳ неъматларни йўқ қилади.  
Мудом Оллоҳ учун қилгин шукрона,  
Шукрона интиқомни йўқ қилади.

Иккинчи фойда эса, Ташриқ кунлари нафл рўзаларни тутиш жоиз эмас. Чунки бу кунлар, аҳли

Ислоннинг шодиёнаси дир. Ҳолбуки, ҳадисда ҳам: «Арафа, Ҳайит ва Ташриқ кунлари – биз аҳли Ислоннинг байрамидир», дейилган. (Абу Довуд (2421); Термизий (773); Насоий (3004)).

Оллоҳим, муслмонларнинг ҳаж қилишларига имконият ярат ва рўздорлар, қурбонлик қилганлар ва Оллоҳга яқин бўлишни истаган барчанинг ибодатларини қабул айла! Омийн!